


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади 1997 йил 22—29 май

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-КИЗЛАР ҚУМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда



• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси молия вазири вазифасида ишлаб келган Б. С. Хамидов Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазири этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Э. М. Ганисев Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Т. Ф. Раҳимовни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири вазифасидан озод этиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

«Хужалик юритувчи субъектларга банк хизматини тартибга солиш юзасидан қўшимча чоратadbirlar тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

• Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Абн Амро банк» (Нидерландия) уртасида узоқ муддатли ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

• Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Мустақиллик — бахтимиз, толсимиз, камолимиз» шиори остида мушоира бўлиб ўтди. Уни Марказий Осиё

халқлари маданият ассамблеяси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил этди. Мушоирада Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг таниқли ижодкорлари ва олимлари иштирок этишди.

• Нукусда «Ўзбекистон Республикасида ёшлар ва маънавият» мавзuida семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Бу тadbirни Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги бюроси ташкил этди.

• Европа Иттифоқи ташкил этилган кун муносабати билан

Тошкентда «Европа кунлари» нишонланди.

• «Эқосан» халқаро жамғармаси президиуми аъзолари ва фаолларининг АКШнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Стэнли Эскудеро билан учрашуви бўлиб ўтди.

• Бугун Тошкентда XII Халқаро кинофестивал тантанали равишда очилди.

ЎА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



«Одам ўзини диванда ноқулай сезаркан»

• Яқинда республикамиз давлат мустақиллигига эришганининг олти йиллиги кенг нишонланади. Мана шу ўтган олти йил давомида мамлакатимиз ҳаётида юзлаб муҳим оламшумул воқеалар юз берди. Сиз уларнинг ичидан энг муҳими қайси деб ҳисоблайсиз?

Саволи биздан

УШУ


2-БЕТ:

ЎТГАНЛАР ВА ЎЙЛАР

5-БЕТ:

БАЛОҒАТ БЕКАТИ

7-бет:



СОҒА

Қишлоғимизда, Оқтов этакларида қабристон бор. Уттиз йиллар аввал дафъатан бу маконга чиқиб борганимиз, ушанда бир қарич жойда беш-унта қабр ғарибона дўшайиб турар эди, холос.

Ҳар сафар қишлоққа йўлим тушса агар, бу азиз жойга бориб, утганларни зиёрат қиламан. Мен билган одамларнинг аксарияти йўқ ҳозир, улар шу маконни манзил тутишган. Ва уша — нам тортиб ётган ҳар бир қабр остида оламжаҳон сирлар-синаотлар, утган, муҳаббат ва ҳасрат, оху зор ҳам армон яшириндир.

Биз қишлоқдан чиқиб кетгач, дунёга келган, ун гулидан бир гули очилмай жувонмарг булган, содда қилиб айтганда, умрини яшаб утганлар қанча.

Қабрлар. Қабртош сийнасига уйиб битилган исму-шарифлар. Тақдирлар.

— Нега қаддинг эгик, нега бошинг ҳам.

Нега нигоҳингни тортади тупроқ?

— Менинг ер устида танишларим кам, Менинг ер остида

дўстларим кўпроқ.

Наҳот, умр шунчалар уткинчи бўлса? Наҳот, зигирча вафо йўқ, унда? Кузак мезонидай йилт эса-ю, утса-да кетса? Шу армонли уйлар дилингни вайрон қилиб турганида кучадан овоз келади: — Фалончини-кига таъзия!

Фалончи...

Юрагим увишиб кетди.

Куни кеча дорилфунунни битирган, тахририятда бўлим бошлиғи бўлиб иш бошлаган, сочларини силлиқ тараб юрадиган келишган йигит менинг ҳаёлимдан утди. Уқишга кира олмай, мусахҳх бўлиб юрган кезларим эди, қўнимсиз, бир оғи институтда булган бу файласуфга, рости, ҳавасим келарди.

Бирга навбатчилик қилган маҳаллар у фалсафа илмининг мен билмаган сирлари ҳақида сўз очар, газетага имзо чекилгач, қай маҳаллигидан қатъи назар, мотоциклда мени қишлоққа келтириб қўяр эди.

Бир гал Бош котибнинг узундан-узқ маърузасини чоғиштириб уқишга тўғри келган.

Тун.

Дунё сув куйгандай сокин.

Тахририятда биздан булак тирик жон йўқ.

Маърузанинг бир жойига етиб келгач, уқишдан тухтади

у, сунг қўққисдан:

— Биласизми, қандай мамлакатларда якка партия ҳукмрон бўлади? — дея суради, кейин узи изоҳ берди: — Қасрда диктатура бўлса, уша ерда якка партия ҳукм суради. Ҳозир бизда. Гитлер даврида Германияда шундай булган.

Ушанда у гоҳо орзу-ҳаваслари, илмий иши ҳақида, гоҳо тулиб бир қиз ҳақида сўз очар эди, кеча қуришдик булажак янгангиз билан, икки томчи куз ёшидай бир-биримизга сингишиб кетдик, деб қўяр эди.

Бир гал у мақтаниб, булажак янгамиз тақдим этган румолчани куз-куз этган. Румолча шу қадар нафис эдики, қатларини очганида анвойи атир хиди хонани тутиб кетган...

Кейин мен уқишга кетдим.

Орадан йиллар утди.

Уз ташвишларим билан бўлиб, бу одамни буткул унутган эканман.

Айтишларича, утган панба куни кечга довуру у бўқиб итган, келатуриб ариққа қулаб тулган, уша кеча ер музлаган эди, болалари уни ахтара-ахтара эр-

аралашдим, томорқа олди. Орадан пича вақт утгач, ҳоқимликда қандайдир йигин бўлди, кимдир келиб менга айтдики, сизини бир киши ахтариб юрибди. Чиқиб борсам, шу. Мен, дейди, қўй суйдим, тайбергарлик курдим, сизларни меҳмонга айтмоқчиман. Йўқ, десанг хафа бўлади. Пича ичиб олган, бир гапни тушунтириш кийин. Хуллас, уч-турт киши булиб бордик. Чиндан ҳам қўй суйган, ярмини қозонга солган, ярмини идиб қуйипти. Қирдик, утирдик. Янга йиғлайди, болалар йиғлайди, ишонсанми, бизниқига ҳам одам келар экан-ку, деб йиғлайди...

Бу ҳолатни тасаввур қилиш мумкин.

У ҳатто одамлар айтгани каби шим дегулиги ҳам қолмаган шимла, йиртиқ ботинкада, увалдас чиққан пуфайгага уралган афтода ҳолатда куз олдимда намоен бўлди ҳам. Лекин нечундир шунга ишонгим келмас, нимадир монелик қилар эди.

— Бир марта ичишни тапладим. Мен, деди, ҳаммасини йиғиштирдим, деҳқончилик қила-

уйига қайтаётган аёлларни шундай тасвирлайди: вагон чайқалади, мудраб келаётган аёллар ҳам ҳоргин чайқалади, кузларини очишга мажоллари йўқ, уларнинг тиззаларида — болалари, юзлари кумир юки, ирқит, улар ҳам мудрашади. Хазон булаётган Моцартлар, Шопенлар, Бетховенлар...

Биз нега қишлоқдан спортчилар етишиб чиқмайди, деймиз.

Қани Моцартлар, деймиз. Агар гап келиб ичкиликка ёхуд қандайдир қора гуруҳга тақалса эди, уни бартараф этиш осон кўчарди. Афсуски, фожианинг илдизи теранроқ.

Яқинда мен бир ёш йигитни бозорда учратиб қолдим, у раста ортида туриб савдо қилар эди. Олти ой аввал шу йигит тортиниё тахририятга кириб келган ва қўлезмасини тақдим этган, шеърлари сулим, шуқуҳли эди.

Суриштирсам, бир угли бор экан, келин ҳам ишлайди.

— Бу жой сизнинг урнингиз

Қалб тугёнлари

у бир сафар. Ва бизнинг тасаввуримизда идеал шахс сифатида муҳрланиб қолган.

Орадан йиллар утгач, мен уша инсоннинг қисматида оғоҳ булганман. Айтишларича, уша ҳаётга сизини даврида қамалган. Орадан ун йиллар утгач, ёруғликка чиққан, келса, на фарзанд бор, на оила. Хотини кимгадир эргашиб қайтадир кетган. Тузук бир бошпана, тузук бир иш йўқ. Ҳатто ишга қабул қилишмайди ҳам. Лекин яшап, ҳаётни қайтадан бошлаш керак. Ноилж, мардикор бозорга қатнаган, кечалари эса таржима билан машғул булган. Минг машаққат билан сескин-аста узага йўл очган, таржималари ёруғлик курган, номзодлик, кейин эса докторлик ишини ҳимоя қилган...

Бундай инсонлар ҳаётда кам эмас. Улуг адиблардан бири:

— Ҳаётда менинг ҳам бир эмас, бир неча марта оғгим тойиб кетган, — деган эди. — Ҳар гал бошимга иш тушганида Герценнинг «Утганлар ва уйлар» китобини мутуолаа қиламан. Бу асар кишига руҳ бағишлайди, фавқулодда фожа бўлиб туюлган курғуликка қулиб қарай бошлайсан...

Шу адиб шу асарни етти марта уқиган, демак етти марта бошига иш тушган, етти марта ҳаммасини қайта бошдан бошлаган. Ва ҳаммаша «мен ҳали адои тамом булганимча йўқ, нимага қолдир эканлигини курсатиб қўяман», деган ишонч билан янги ва янги асарлар яратган. Шу адиб утган азизлардан бирининг фикрини таъкидлашнинг хуш курар эди: «Биз тош қоптан ерни чирмовуқдай ериб чиқаётган халқмиз».

Рост, турмуш бадастир бўлмоги лозим. Лекин бу — тиркичилик куйида, дунё йиғиш дардида умр талон бўлсин, дегани эмас. Инсон гўзалликка интилиб яшаш керак.

Гўзалликнинг қошида, ахир, Чўкка тушган қатто даҳолар.

Мен бир пайтлар Лев Толстой Иван Бунинга: «Ҳаётда бахтининг узи йўқ, унинг уқунларига бор, холос. Шунга қадрланг», — деганини уқиб, ҳайрон қолганман. Аммо йиллар утгани сайин ҳаёт бу ҳикматни қайта ва қайта тасдиқлаётган.

Умрнинг ҳар бир лаҳзаси шоирона кечинмаларга йўғрилган ҳолда кечмайди, албатта. Ноёб жавоҳирлар янглиқ саодатли дамлар ҳам қисматда жуда кам учрайди, шунинг учун у тансиқдир.

Нима булганда ҳам, инсон узини енгиб яшай билиши керак. Вақти-вақти билан у абадиятта даҳлдор асарларни қўлга олиши, ҳаёт пайдо булганидан буен яшаб келаётган ҳодисаларни ҳаёдан утказиши керак. Кишини донг қолдирадиган ер юзидаги муъжизаларни ҳам одамлар яратган-ку.

Ғаффор ХОТАМОВ

ЎТГАНЛАР ВА ЎЙЛАР

талаб топишган, галтакка солиб шифохонага олиб келишган.

Шу ерда узилган.

— Наҳот шундай бўлса? Ахир, у дилбар одам эди, зиёли эди?..

— Э-э, сен у одамни кейин курмагансан, билмайсан, — дейди акам. — Тамом булган эди. Озиб-озиб, кетмондастадай бўлиб қолган эди. Нимасини айтасан?

— Нега?

— Ароққа берилиб кетувди-да.

— Шундай одам, а?

— Нимаси «шундай одам»?

Умуман, гапиргулиги қолмаган эди. Бир куни менинг олдимга йиғлаб келди, ўглига уй-жой учун ер олмақчи экан, раиста борган, бўлмаган. Унча-мунча киши уни одам урнида куриб гаплашмасди ҳам. Бир пайтлар институтда бизни уқитган, шу сабаб иззатини қилиб шу ишга

ман, вассалом... Кечаю кундуз тинмай ишлади. Итла тиним бор, унда тиним йўқ. Пиёз дейсанми, қовун-тарвуз дейсанми, тиқилиб кетди. Сотганини сотди, сганини еди, йиғинди, энди тўй қиламан, уй қиламан, деб турганида тап этиб хотини дардга чалинди. Курсатмаган духтури, элтмаган шаҳари қолмади. Шу хотинимни даволатаман, деб бор-будини совурди. Янга тузади. Шунинг хурсандчилигига ичди-ю, тагин бошлаб юборди...

Буни ҳам тушуниш мумкин. Лекин халқимизда бир одаг бор: яқинларига яқинининг улгини курсатишади. Улик одамни совутади, дейдилар. Мен бу одамнинг маънавий инқирози сабабини билишни истар эдим. Нима уни ҳалок этди?

Айтишларича, у институтда ишлаб юрган кезлари қандайдир маш-маша келиб чиққан. Шу нохушликка аралашиб қолмайин дея у институтни ташлаб кетган. Лекин барибир уша кезлар русумга кирган қора гуруҳ бошлиғи институтдаги низои ундан курган ва шафқатсиз жазолаган: уйга кетаётган маҳали уни тутиб олишганда, хилват шаҳардаги қамоқхонага олиб бориб тиқишган, алдасиз азоб беришган, хурлашган, топташган... Уни сондан чиқаришган. Кейин у, бу балолардан халос бўлгач, аламини ичкиликдан олган...

Шундай қилиб, гулдай бир умр хазон бўлди.

Қайси бир ёзувчи Оврупоининг шахтерлар шаҳарчасида, оғир иш бажариб, ярим кечаси

эмас, — дедим унга. — Сиз иқтидорли йигитсиз. Яхшиси, тахририятга ишга утинг, маош ҳам тузуккина, бемалол кун кечирасиз, шеърингизни ёзасиз...

У кулди.

— Шунча йил ойликка яшадим, ака, энди стар. Мен тенгилар «Мерседес» миниб юрибди, шаҳардан уй сотиб олаятти...

Мен унинг елкаси оша нариги растага қарадим: нав-ниҳол қизлар, орзуманд йигитлар. Кимдир мактабдаги дарсини ташлаб келган, кимдир институтни, яна кимдир чала қолган шеърини...


Шаҳардаги уй ва «Мерседес» ҳаваси маҳв этган қаноатсиз насл.

Бизга нимадир етишмайди узи: маърифатми, катта бир мақсадми, иродами, ҳар қалай туйғулари майдалашиб кетган, бир-биримизнинг тақдиримизга ута лоқайд қараймиз, фақат узимизни уйлаймиз, холос. Умрни безай оладиган лаҳзаларнинг қадрига етмаймиз, уни маъносиз кечирамиз.

Мен бир кишини биламан, у бизга институтда таълим берган, маърузани сирли бир алпозда, баланд руҳ билан бошлар эди: «Биз бутун рус адабиётининг олтин даври ҳақида сўхбатлашамиз...»

У уз фанини севар, шунинг учун ҳар куни олтин даврдан сўз очар ва бизни маҳлиё этарди. Оқсоч, нуруний кибри узига ярашадиган бу зукко профессорга ҳаммаша ҳавас билан боқар, унга таҳассуб қилар эдик.

«Мен ҳатто улганда ҳам гўзал улишни истар эдим», деган



Такси мени кўп қаватли бино олдида олиб келди.

— Барака топкур, — дедим мен ҳайдовчига, — сечтикни учирмай туринг. Мен юғуриб мана шу илорага кириб чиқаман, кейин яна бирга кетамиз, борадиган жой бор.

Ҳайдовчи норози кайфиятда пешонасини тириштирди.

— Балки ҳисоб-китоб қилиб кетарсиз? — деди у.

— Нега энди, айтаянманку, ҳали борадиган жойлар бор, бирга кетамиз, — дедим мен. — Нима, менга ишонмайсизми? Қочиб кетади, деб уйлаясиз, шеклилли?

— Ҳеч нима деб уйлаётганим йўқ, — деди ҳайдовчи. — Йулочилар ҳар хил булади: қочиб кетадиганлариям бор, қочмайдиғанлариям...

— Ҳа, тушунарли, барибир, сиз мендан гумонсираясиз, қочиб кетади, деб. Яхши! Мен сизга шляпанни қолдириб кетаман.

— Қуйсангиз-чи, — хафа булди ҳайдовчи. — Бошимга урамани шляпани? Сизга ишонаман... майли, портфелингизни қолдиришда, кетаверинг.

— Ҳали шунақами? — жҳлим чиқди. — Марҳамат, мана портфел. Фақат, рухсатингиз билан, мен машинанинг номерини езиб олай.

— Нималар деясиз? — қовоғини уйди ҳайдовчи. — Менга ишонмайсизми? Қуенни расмини чизиб жунаб қолади, деб уйлаясизми?

— Ҳеч нима деб уйлаётганим йўқ, — дедим мен, — ҳайдовчилар ҳам ҳар хил бу-

лади: баъзи бировлари шляпа кийиб юришни ёқтиради, баъзилари портфел кутариб юришни...

— Ҳали шунақами? — деди ҳайдовчи. — Бунги! Ёзинг номерни: МТТ 40-20. Булганича булар! Аввал очиб курсатингчи, портфелда нима бор узи.

— Бунинг нима ҳолати бор?

— Кейин даъво қилиб юрмайсиз-да.

— Марҳамат! — дедим қҳрланиб. — Қаранг: қоғозларим, китоблар, соқололгич.

— Соқололгич ишлайдими ё бузуқми?

— «Бузуқ» деганингиз нимаси? Ҳозирча ишлайди, бузилмаган.

шишга мажбурман! Мана менинг ҳужжатларим: паспорт, рухсатнома, никоҳ гувоҳномаси. Олинг! Шунга билиб қуйингки, сиз тартиб-интизомли инсон билан муомала қилаясиз, буни унутманг. Узингизнинг ҳужжатларингизни чузинг!

— Марҳамат! — деди у. — Мана ҳайдовчилик гувоҳномам, касаба уюшмасининг билети...

— Ҳарқалай, яшаш жойидан маълумотнома йўқдир, албатта, — дедим мен.

— Йўқ, — деди у.

— Ҳолати йўқ. Керак булса — топишди!

— Зарур бўлса, сизни узла-

— Менга-ям! — деди у ва ерга қаради, — олинг ҳужжатларингизни...

— Сиз ҳам олинг ҳужжатларингизни...

— Портфелни унутманг, олинг...

— Раҳмат, — дедим мен, — машинанинг номерини унутдик: МТТ 40-20.

— Унутдик, — деди у.

Биз меҳр билан бир-бирининг кифтимизга қоқиб қўйдик.

— Наҳотки сиз ҳақингизда ёмон ҳаёлга бордим-а? — таажубландим мен. — Юзингиздан олижаноб одамлигингиз кўришиб турибди-я! Кузларингиз мошранг. Ияингизда хол бор экан.

— Сизнинг ҳам чехрангиз очик экан, — деди у. — Кузларингиз катта-катта. Қулоқларингиз топ-тоза. Тишларингизни эҳтиёт қилинг...

— Мен бир зумда қайтаман, — дедим мен.

— Бемалол, — деди у. — Зериктириб қўйманг...

Бир-биримизга самимий қулиб қарадик-да, мен машинадан чиқдим. Бинонинг эшигига яқинлашганимда ёнимда рухсатнома йўқлигини пайқаб қолдим.

— Ох, муттаҳам-эй! — деб уйладим. — Демак, ҳар эҳтимолга қарши рухсатномамни олиб қолибди-да... Ҳечқиси йўқ. Қочиб кетиб бушти... Менам ҳар эҳтимолга қарши машинасининг орқа тарафдаги гилдирагини тешиб қўйганман...

— Бемалол, — деди у. — Зериктириб қўйманг...

Бир-биримизга самимий қулиб қарадик-да, мен машинадан чиқдим. Бинонинг эшигига яқинлашганимда ёнимда рухсатнома йўқлигини пайқаб қолдим.

— Ох, муттаҳам-эй! — деб уйладим. — Демак, ҳар эҳтимолга қарши рухсатномамни олиб қолибди-да... Ҳечқиси йўқ. Қочиб кетиб бушти... Менам ҳар эҳтимолга қарши машинасининг орқа тарафдаги гилдирагини тешиб қўйганман...

— Бемалол, — деди у. — Зериктириб қўйманг...

Бир-биримизга самимий қулиб қарадик-да, мен машинадан чиқдим. Бинонинг эшигига яқинлашганимда ёнимда рухсатнома йўқлигини пайқаб қолдим.

— Ох, муттаҳам-эй! — деб уйладим. — Демак, ҳар эҳтимолга қарши рухсатномамни олиб қолибди-да... Ҳечқиси йўқ. Қочиб кетиб бушти... Менам ҳар эҳтимолга қарши машинасининг орқа тарафдаги гилдирагини тешиб қўйганман...

— Бемалол, — деди у. — Зериктириб қўйманг...

Аҳмад ОТАБОВ таржимаси

Григорий Горин



Сиз менга ишонасизми?

(Ҳажрвий ҳикоя)

Олдин ўсади, кейин...

— Мен хотиним билан ажрашмоқчиман: у кечаси билан кафесма-кафе юради.

— Нима, ичалими?
— Йўқ, мени излайди.

Судда гувоҳдан сўранди:

— Жиноят содир булган жойдан қанча масофада турган эдингиз?

— Уч метру 78 сантиметр нарида.
— Шунчалар аниқ биласизми?
— Биронга калтафаҳм сураб қолар деб, атай улчаб қурувдим-да.

— Кучат билан жиноятчининг уртасида қандай фарқ бор?

— Кучатни олдин утқазипади, кейин усади. Жиноятчи эса олдин усади, кейин утқазилди.

Жаҳон кулади

— Ҳозироқ овқатингни смасанг, Ялмоғиз кампирни чақираман.

— Ойижон, Ялмоғиз шу овқатни ейди, деб уйлаясизми?

Хизмат сафаридан қайтган эр етоқхонага кирса, қурпа остидан оёқ чиқиб турибди.

— Бу ким булди? — жаҳл билан сўради у хотинидан.

— Сураб нима қиласан. Сен менга шуба олиб бердингми? Йўқ, у эса олиб берди. Курортга олиб бордингми? Йўқ, у эса уч марта олиб борди. Дала ҳовли, машина осмондан тушган деб уйлаясанми? Эгнингдаги кийим-бошлар-чи?! Яқинда янги квартира олиб бермоқчи. Бунақа понкур булма-да!

— Шунақа легин. Унда устини яхшилаб епиб қуй, яна шамоллаб қолмасин.

Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОТИН-ҚИЗЛАР
КЎМИТАСИ, БОЛАЛАР
ЖАМҒАРМАСИ ВА
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ХАЛҚАРО
ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

МУҲАММАД ИСМОИЛ

Газетамиз бош ҳаммаси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатилиш
уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000, Амир Темур
кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Телефонлар: Бош муҳаррир — 33-28-20,
котибият — 34-86-91,
эълонлар бўлими — 36-56-52.
Даврон БЕК навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0309 32665 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.